

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотида орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

УДК: 371.036

ШАХС ТАРБИЯСИДА ЭСТЕТИК ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

И.М.Арзиматова, М.Исмоилова

Аннотация

Мақолада шахс маънавиятини юксалтириш, унинг камолотида ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти, турмуш эстетикасининг инсон камолотидаги ўрни тўғрисидаги масала ёритилган.

Аннотация

В статье освещается вопрос укрепления духовности личности, значение нравственных ценностей в ее становлении, роль бытовой эстетики в гармоничном развитии человека.

Annotation

This article considers a problem of developing person's spirituality, importance of the ethical traditions and life aesthetics in his maturity.

Таянч сўз ва иборалар: маънавият, шахс, ахлоқий қадриятлар, ахлоқий тарбия, турмуш эстетикаси, эстетик онг, эстетик тарбия, меҳнат, табиат.

Ключевые слова и выражения: духовность, личность, нравственные ценности, нравственное воспитание, эстетика быта, эстетическое мышление, эстетическое воспитание, труд, природа.

Keywords and expressions: spirit, person, ethical traditions, moral education, the life aesthetics, aesthetical consciousness, aesthetical education, labour, nature.

Истиклол даврида шахс маънавиятини юксалтиришда унинг эстетик онги, дунёқараши ва маданиятини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Нега деганда, инсон ўз тақдири соҳибига айланди, ижтимоий фаровонлик, эркинлик ва ижодий меҳнат учун масъул ва жавобгар, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, маънавий эркин фаолият юритиш кафолатига эга бўлди [1.37].

Биринчидан, инсоннинг меҳнат ва меҳнат предметларига муносабати тубдан ўзгариб бормоқда, яқин ўтмишда инсон табиий моҳиятидан бутунлай бегоналаштирилган хусусий мулкчилик руҳияти ва унга эгалик мақоми қарор топди. Бу жараёнда эркин тадбиркорлик ва ташаббускорликнинг моддий асосини ташкил қиладиган меҳнатнинг хусусий, шу билан бирга, ижтимоий моҳияти янада ёрқинроқ намоён бўлди, тадбиркорлик жамиятимиз ҳаётида етакчи ижтимоий омилга айланди. Бугина эмас, шахс меҳнати билан хусусий ва социал жиҳатларнинг уйғунлашуви ижтимоий муносабатларга таъсир этиб қолмади, шахс тарбияси, хусусан, унинг эстетик камолотида асосий воситага айланди.

Иккинчидан, ҳозирги глобаллашув шароитида табиатни муҳофаза қилиш, унинг эстетик-тарбиявий салоҳиятини сақлаб қолиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бунёд этилаётган янги жамиятимиз эстетик тарбияда табиатга гуманистик ёндашишни,

унинг қонуниятларидан боҳабарлик ва бойликларидан рационал фойдаланишни тақозо қилади.

Шу боис бугунги кунда тарбиявий тизим, шу жумладан, эстетик тарбия, бир томондан, инсонда табиат билан эркин, яъни беғараз муносабатда бўлиши лозим. Бошқа томондан, глобаллашув, индустриал ва ижтимоий-демографик жараён, шунингдек, маърифий талаб ва меъёрларга эътиборсизлик бозор иқтисодиёти шароитида табиатга эҳтиёткорлик ўта нозик маънавий масаладир.

Юқоридаги масалалар шахс тарбиясида турмуш қадриятларидан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, турмуш эстетикасини ривожлантириш баробарида унда баркамоллик фазилатларини давр талаблари асосида шакллантириш методологик ва амалий аҳамиятга эга.

Турмуш эстетикаси инсоннинг кундалик ҳаётда одоб-ахлоқ, ташқи қиёфа, кийиниш маданияти, нарса-ҳодисалар ва турар-жойларга муносабатнинг асосий соҳаларидан биридир. Турли халқ, ижтимоий гуруҳ ва бошқалар турмуш маданиятининг моддий кўринишлари кишиларнинг нарса-предметлар олами, эстетик диди ва ижтимоий идеаллари ҳақидаги тасаввурлари умумийлиги ва ранг-баранглиги билан узвий боғланган. Инсон яшаш ва ижтимоий муҳити иқтисодий, ижтимоий, функционал, эстетик меъёр ва шарт-шароитларини

гавдалантирадиган турмуш маданияти оламни эстетик идрок этиш, унинг эстетик маданияти

И.М.Арзиматова – ФарДУ доценти.

М.Исмоилова – ФарДУ талабаси.

асосини ташкил қилади.

Турмуш эстетикаси эстетик онгда хусусийлик билан умумийлик, интуитивлик билан рационаллик, турли маданиятлар таъсири, турмуш тарзи ва усули, анъанавийлик ва янгилик, миллийлик ва умуминсонийлик, шунингдек, мода намоён бўлиши масалалари билан боғланган бўлиб, техника, экология, муҳитни жиҳозлаш, тарбия соҳасидаги эстетик жиҳатларни ифодалайди, моддий ва бадиий маданият интеграциялашувининг самарали воситаларидан хисобланади.

Шахс эстетик камолоти одатда унинг бадиий тарбия топганлигига боғлаб тушунтирилади, лекин бунда турмуш эстетикаси устувор ўрин тутаяди. Бинобарин, турмуш шахс ҳаёти ва камолотига мунтазам даражада таъсир ўтказиб турадиган жараёндир.

Таълим-тарбия жараёнида “инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак”, деган сўзларни эшитишга тўғри келади. Бироқ, инсон бундай мукамал эстетик фазилатга фақат умри давомидаги фаолияти натижасида эришиши мумкин, бинобарин, унинг ҳар лаҳзаси муҳит таъсирида, турмуш эстетикаси таъсирида кечади.

Изоҳли ва фалсафий луғатларда “турмуш” тушунчаси инсон, миллат ва халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлар, расм-русум мажмуи, объектив реаллик, моддий, озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлиқни сақлаш, шунингдек, маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат ижтимоий ҳаётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси [2.404] каби маъноларни англатиши қайд этилади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий амалиёт билан бир қаторда шахс тарбиясида турмушнинг таъсири ҳам муҳим омил саналади.

Бевосита турмуш таъсирида инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, ғоявий йўналиши, ҳаётни ҳис этиши, кайфияти, диди, эмоционал фаоллиги, бошқача айтганда, ижтимоий-руҳий ҳолати қарор топади, маънавий ҳаётнинг айна

шу даражасида унинг эстетик онги ривожланади. Шунинг учун меҳнат, ижтимоий-сиёсий яратувчанликка шахс ҳали тўла жалб этилмаган бошланғич палладан унинг эстетик эҳтиёжи, дид ва мўлжаллари, эстетик онги шаклланишига турмуш биринчи ва бош манбаи сифатида мазмуний йўналиш беради. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ёзганидек, “Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди” [3.53].

Инсон бутун умри давомида бу қобилиятни сақлаб қолишга интилади, ўз навбатида турмуш, бир томондан, шахс эстетик эҳтиёжларини қондиришга, бошқа томондан, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатиб туради. Турмушнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини таҳлил қилиш уч нарсага эътибор беришни тақозо қилади. Булар, асосан, қуршовида инсон ҳаёт кечирадиган ранг-баранг предметлар олами; инсоннинг бошқалар билан мулоқотда ўзлигини намоён қилиш ҳолатлари; инсоний муносабатларнинг одоб-ахлоқда акс этиш имконият ва хусусиятлари.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маънавият хазинасини бойитиш учун шахсда миллий ва умуминсоний эстетик мерос, қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, маънавий-эстетик бойликлар яратишга масъулият ҳисси ортиб боради, шахснинг воқеликка эстетик муносабати оқибатида жамиятимизнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини чуқурлаштириш, соғлом эстетик дидни тарбиялаш, турмуш эстетикасини ривожлантиришга имконият яратилади, шахс фаолиятида эркинлик тамойилининг кучайиши, шунингдек, миллий қадрият ва анъаналарнинг тикланиши, ривожланиши, уларга муносабатнинг ўзгариши эстетик маданиятнинг миллий менталитет тизимидаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Адабиётлар:

1. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. –Т.: Шарқ, 2001.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –4 т. –Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008; -Фалсафа.Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)